

## **ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА САМАРАДОРЛИГИ**

**Илмий раҳбар: О. Комолов**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Молия” кафедраси доценти  
Телефон: +998998888015*

**Бекзод Азимов**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Давлат молияси ва халқаро молия»  
магистратура мутачассислиги  
2-боскич магистранти  
Телефон: +998996200001*

**АННОТАЦИЯ:** Жадал суръатларда ривожланиб бораётган ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган молиявий операциялар ҳар бир мамлакат учун муҳим аҳамият касб етади. Шу сабабли мамлакатимизда амалга оширилаётган халқаро молия операсияларини бошқариш ва уларни тартибга солиш нафақат мамлакат аҳолисига, балки мамлакатимиз ҳукумати билан ҳамкорликда иш юритаётган халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари учун ҳам фойдали ҳисобланади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Халқаро молия, халқаро интеграция, халқаро молиявий операциялар, халқаро молия ташкилотлари, хорижий инвестиция, инвестициявий маблағлар.

Бугунги кунда хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишда, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий муносабатларда ва ташқи иқтисодий сиёсатни эркинлаштиришда олиб борилаётган бир қанча ислоҳотларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтирилиши орқали, ўтиш даври иқтисодиёти муаммолар ечимини тезлаштиради.

Мамлакатда инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишида, уни амалиётга жорий этишда тизимли таҳлилар асосида қарорлар қабул қилиниб, мақсадли татбиқ этишимиз, мониторинг ишларини олиб бориш харажатларини қоплаш учун, самарали молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларнинг сарф-харажатлари инобатга олишимиз зарур.

Хорижий инвестицияларга таърифни 1947 йилда америкалик олим Ф.Хениус қўйидагicha ифодалаган.. —Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат худудидан иккинчи мамлакат худудига киритилган экспорт қилинган инвестициялар<sup>1</sup>.

Хорижий тадқиқотчи олим Жонс Эрнест —Инвестицион лойиҳа бу вақт билан чегараланган, ресурс ва маблағларнинг белгиланган миқдордаги сарфи ва натижалар сифатида қўйилган талаблар асосида тизимни ўзгартиришдир<sup>2</sup> деб такидлаган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Dictionary of International Trade. Global Marketing Strategies, 2015, p.82.

<sup>2</sup> Джонс Эрност. Деловые финансы. —Олипп-биснес 2000 г.- С.11

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини оширишда рисклар муҳим аҳамиятга эга. Инвестерлар томонидан инвестиция қилинаёнган жараёнларидан олдин, рискларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишлик мураккаб муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

Рискларни бошқариш масалалари бўйича рус иқтисодчи М.В.Грачева илмий тадқиқотларида инвестиция лойиҳаларида рискни бошқаришнинг босқичлари, лойиҳа рискини таснифланиши, бошқариш инструментлари, сифати ва иқтисодий-математик моделлари, хусусан, сезувчанлик таҳлилига бағишиланганлигини кўришимиз мумкин.

Олиманинг фикрларини таҳлил қиласиган бўлсак, инвесторлар учун энг аввало, манфаатга мос бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишидаги вужутда келувчи рискларни тўлиқ тўқис бартараф этилишилигидир. Энг кам рискка эришиш, юқори фойда ва даромад олишиликдир. Бу таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики инвестрга лойиҳаларни молиялаштиришда рақаботбардош бўлган лойиҳаларни аниқлаш имконияти яратади. Бозор иқтисодиёти шараитида рискларни урганиш мухим хисобланиб, инвестиция муҳитини жозиибадорлигини оширилишига ҳамда хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш имкониятини яратади. Шу борада бозор иқтисодиёти шараитида инвестиция рискларини илмий асосланган жихатларини урганишлик, бугунги кунда ўз долзарблигини сақлаб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Республика иқтисодчи олимларидан Б.Маматов ҳамда Д.Хўжамқулов —Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш<sup>1</sup> борасида ва молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти, молиялаштириш босқичлари, иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг кўлами, синдикатли кредитларнинг самарадорликларини аҳамиятини ўрганишган.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳалари<sup>3</sup>

	<b>Ишга туширилган йирик ложиҳалар</b>	<b>Бажарилган ишлар ва натижалар</b>
	Шўртан газ-кимё комплексида	Синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилиши
	Навоийазот АЖ да	Азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари
	Тахиатош иссиқлик электр станцияси	230-280 МВт қувватли иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши.
	Наманган вилояти Тўрақўргон туманида	Куввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилиши.
	Янги Тошкент металлургия заводи	Ишга туширилиши
	Тошкент метрополетини	Сирғали йўналишида, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқич қўрилиш ишлари
	Йўл қурилишига	9,8 трлн. сўм
	Сув тармоқларига	4,6 трлн. сўм
	Электр тармоқларига	18,2 трлн. сўм

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

0	Табиий таъминотига газ	1,2 трлн. сўм
1	Навоий иссиқлик электр станциясида	Япония —Мицубиси   компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаволт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилди ва қўшимча равишда 2 млрд. 800 млн. киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилишида
2	Муборак газни қайта ишлаш заводида	6 млрд. куб метр газ ишлаб чиқаришга мулжалланган 3 та олтингугурт тозалаш блокининг ишга туширилиши
3	Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасида	Қиймати 4 млрд. доллар. Дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири сифатида йилига 4 млрд. 500 млн. куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг т. полиэтилен 83 минг т. ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини 3,1 баробар кўпайтириш
4	Навоий иссиқлик электр станциясида	450 МВт қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари

Инвестиция лойиҳаси ташаббускор томонидан тўлиқ ва мукаммал ҳисобкитобларга асосланган ҳолда, муайян даврий муддатларда фойда олиш ёки ижтимоий-иктисодий самарадорликка эришишга қаратилган тадбирлар йиғиндиси дейишимиз мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шараитида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёни маълум бир рисклардан ҳам холи эмас. Шу нуқтаи назардан айтиб ўтмоқчиманки, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни ҳисобга олишигимиз, унинг стратегик қайтма алоқасининг оқибатларини ҳисоб-китоб қилишимиз лозим.

Мамлакат иқтисодиётини барқарорлашуви, ҳорижий инвестицияларни жалб қилиниши мухим омиллардан бири ҳисобланади. Республикада етакчи тармоқларда, айнан чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирилиши, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга оширилишида ва йирик ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни модернизация қилиниши оқибатида, уларни замонавий техника-технологиялар билан қайтадан жихозлашимиз ҳамда рақобатбардош бўлишигимиз, импорт ўрнини босувчи экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга замин яратади.

Республикада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари устувор тармоқларга, яъни нефть ва газ кимё саноати, энергетика, ер ости қазилма бойликларига, транспорт, туризм, қурилиш соҳаларига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ҳамда қайта ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилмоқда.

1-жадвални таҳлил қиласиган бўлсак, энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланган.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимиининг кўпайишини қўйидаги омиллар сабаб бўлишигиги мумкин. Жумладан: республикада инвестиция мухитининг барқарорлиги орқали:

валюта курсининг тартибга солиниши орқали; инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлашлик механизмининг жорий этилишида;

инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилиши;

мамлакат иқтисодиёти етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотларнинг муваффақиятли тўсиқларсиз фаолият юритаётганлиги орқали кўришимиз мүкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда иқтисодиёт етакчи тармоқ ва соҳаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар муқаффақиятли фаолият юритмоқда. Республика молиявий-иктисодий барқарорлигини таъминланишида, давлатимиз томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёsat ўз самарасини бермоқда.

Хорижий давлатлар инвестицияларни ва кредитларини жалб қилиш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Йирик инвестиция лойихаларини молиялаштиришда хорижий давлатлар иштирокидаги инвестициялар, иқтисодиётни модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсақ, бозор иқтисодиёти шароитида, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ҳар доим ҳам бир текисда бормаслиги, ижтимоий-иктисодий ривожланишининг паст баландлиги, демографик омилларнинг ўзгариши, экологик таҳдитларнинг кучайиб боришига ҳамда жоҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва глабаллашувининг ижтимоий томонларига ҳам боғлиқдир.

Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги оширишда инвестицион лойихаларини ичлаб чиқиша ва молиялаштиришда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг турларини ҳисобга олиш, урганиш, аниқлаш, баҳлолаш, таҳлил қилиш ва камайтириш лозим. Жумладан Кредит рисклари, инвестицион цикл босқичларидаги рискларга, тадбиркорлик рискларига ҳамда мамлакат рискларига катта эътибор қаратишимиш керак. Баҳолашда эса статистик, комбинациялашган ва экспорт услубларидан фойдаланиш лозим.

Хорижий инвестиция маблағлари орқали маълум бир обьектини ишга туширилишда, йирик ва мураккаб лойихаларининг хусусиятларида келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқариш турлари, бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб амалга оширилиши, маҳсулотнинг узлуксиз ишлаб чиқарилиши ва максимум имкониятлари билан сотилишига қаратилган бўлиши лозим. Бу жиҳатлар самарали инвестицион лойихаларни танлаб олишда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқармаслигига олиб келади.

Хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги оширишда, инвестрларга янада қулайроқ инвестиция мухитини яратиш, солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун ҳам соддалаштириш лозим. Хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, хорижий молий институтлари билан биргаликда манфаатли лойихаларни амалга оширишдаги тизимни такомиллаштириш ва иқтисодий зоналарни ташкил этишни кучайтириш, паст фоизли, узоқ муддатли ва тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларин жалб этишимиш керак.

Ушбу таклифларин жорий этилишида миллий иқтисодиётимизга, замонавий инфратузилмаларнинг яратилишида, мавжуд тизимни модернизация қилишимиз орқали, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришимизни фаоллаштиришга олиб келади. Правардида мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий ўзгаришларини амалга оширишимиз, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришимиз орқали инвестицион сиёsatни амалга ошириш имкониятини яратади. Натижада инвестиция оқимининг кўпайиши орқали, бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларимиз ва тадбиркорлик субъеклари фаолияти янада барқарорлашади. Мамлакатимизда ишсизлик муаммоси ечилиши ва ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш сурatlари кузатилиши билан бир қаторда, иқтисодий барқарорликка эришамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабр.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет ел инвестициялари тўғрисида”ги Конуни. 1998 йил 30 апрел.
3. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1-августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15-августдаги “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5511-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб етишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида ПФ-5444 -сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 19-декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2019-йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4067-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-июлдаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3874-сонли Қарори.
9. Хомитов. К. З. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2006.
10. Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. Econ Model. 2020. doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004.
11. World investment report 2020. International production beyond the pandemic. 2020. United Nations. p. 2. [https://unctad.org/en/Publications\\_Library/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/Publications_Library/wir2020_overview_ru.pdf)
12. Mohamed, S., McCowan, A.K. “Modelling project investment decisions under uncertainty using possibility theory”. Int. J. Project Management, 19, 2001, pp. 231–241.